


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*61010600 - Спорт фаолияти (Кураш)*  
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети;

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 04 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «15» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. <i>61010600 – Спорт фаоляти (Кураш)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1. <i>61010600 – Спорт фаоляти (Кураш)</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. <i>61010600 – Спорт фаоляти (Кураш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1. <i>61010600 – Спорт фаоляти (Кураш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. <i>61010600 – Спорт фаоляти (Кураш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. <i>61010600 – Спорт фаоляти (Кураш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. <i>61010600 – Спорт фаоляти (Кураш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. <i>61010600 – Спорт фаоляти (Кураш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	9
Керишув варағи .....	10

## **1. 61010600 - Спорт фаолияти (Кураш) бакалавриат таълим йўналишининг тавсифи**

**61010600 - Спорт фаолияти (Кураш)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги шаклида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати **4** йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

#### **1.1.1. 61010600 - Спорт фаолияти (Кураш) малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **61010600 - Спорт фаолияти (Кураш)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

## **1.2. 61010600 - Спорт фаолияти (Кураш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

### **1.2.1. 61010600 - Спорт фаолияти (Кураш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**61010600 - Спорт фаолияти (Кураш)** таълим йўналиши – фан соҳасидаги бакалавриат таълим йўналиши бўлиб, шунингдек фан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш ҳисобланиб, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларида меҳнат фаолиятини ташкил этиш, спорт турлари бўйича ўқув машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш; мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида жисмоний тарбия дарсларини ташкил этиш ва ўтказиш; спорт турларига оид ҳаракатларга ўргатиш; жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид воситалар, тамойилларни қўллаш; ҳаракатларга ўргатиш, ёш даврларига нисбатан восита ва услубларни танлаш; жисмоний юкламаларни миқдор ва сифат жиҳатидан бошқариш ва индивидуаллаштириш; жисмоний машғулотларни режалаштириш, назорат ва таҳлил қилиб бориш; спорт фаолиятининг асосий томонларини бошқариш; спорт соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш билан боғлиқ комплекс масалаларни ечиш мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгартирилган бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва*

*ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

**1.2.2. 61010600 - Спорт фаолияти (Кураш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда улардаги ўқув жараёлари, алоҳида спорт турлари бўйича тўғараклар;

- спорт мактаблари, спорт турларига ихтисослашган спорт мактаблари, ихтисослашган олимпия заҳиралари интернат-мактаби, спорт турлари бўйича ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, болалар-ўсмирлар спорт мактабларидаги спорт машғулоти жараёни;

- спорт турлари бўйича машғулоти ташкил этиш восита ва усуллари;

- спорт жамоалари, спорт клублари, ишлаб чиқариш корхоналари;

- *аҳоли саломатлиги учун ташкил этилган дам олиш оромгоҳлари ва бошқалар.*

**1.2.3. 61010600 - Спорт фаолияти (Кураш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

• *жисмоний тарбия ва спорт;*

• *педагогик (мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида);*

• *илмий-тадқиқот;*

• *фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш;*

• *соғломлаштириш ва тиклаш;*

• *ташкилий-бошқарув.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. 61010600 - Спорт фаолияти (Кураш) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

*61010600 - Спорт фаолияти (Кураш) таълим йўналиши бўйича бакалавр спорт таълим муассасаларида тренер-ўқитувчи ва узлуксиз таълим тизимида (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида) жисмоний тарбия фани ўқитувчиси сифатида фаолият олиб бориши мумкин.*

*61010600 - Спорт фаолияти (Кураш) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:*

**Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;

- ташкилот ва корхоналар фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий иқтисодий билимларни қўллаш орқали бошқариш;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- бирламчи ишлаб чиқарувчи бўғин ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- корхоналар ташкилий-бошқарув фаолиятида қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқишда ҳамда қарорларни муқобил вариантини танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.

#### **Ахборот-таҳлилий фаолиятида:**

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;
- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;
- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;
- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- хўжалик юритувчи субъектларни замонавий бошқариш тизимини таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;
- тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш тизимини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

**61010600 - Спорт фаолияти (Қураш)** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин қуйидаги:

- 5А610501 - *Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)*
  - 5А610502 - *Жисмоний тарбия ва спорт менежменти*
  - 5А112001 - *Жисмоний тарбия ва спорт маишулотлари назарияси ва методикаси*
- мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда магистратурада ўқишни давом эттириши мумкин.

**2. 61010600 - Спорт фаолияти (Қураш) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

#### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;

- дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича маистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**61010600 - Спорт фаолияти (Кураш) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги долзарб муаммоларни аниқлаш.

– жисмоний тарбия ва спортга оид илмий текширишлар бўйича намунавий усулларда илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш;

– ҳорижда ва республика чоп этилган жисмоний тарбия ва спортга оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш; илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

– апробациядан ўтган усулларни қўллаган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолиятнинг турли жиҳатларининг самарадорлигини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ўтказиш;

– замонавий ахборот технологиялари ёрдамида математик-статистик усуллардан фойдаланиш, тадқиқот натижаларини қайта ишлаш усулларидан фойдалана олиш, умумлаштириш ва хулосаларни шакллантира олиш.

– соҳага оид илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва олинган малумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

– илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш;

– оммавий ахборот ва интернет воситалари орқали соҳага тегишли энг янги илмий, технологик ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириш ва топиш;

– илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

**Сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:**

– спорт иншоотлари ва жиҳозлардан фойдаланишни, таъмирлаш ва техникавий хизмат кўрсатишни;

– касбий этика қондасига риоя қилиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

**Соғломлаштириш ва тиклаш фаолиятида:**

– даволаш муассасаларида, дам олиш уйларида, санаторияларда соғломлаштирувчи жисмоний машғулотларни олиб бориш;

– спорт билан шуғулланувчиларнинг жисмоний ва функционал ҳолатини қайта тикловчи замонавий восита ва усулларни қўллаш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– спорт мусобақаларини ўтказишда қўлланиладиган низомларни ишлаб чиқиш, йиллик календар режа ва ҳисобот ҳужжатларини тузиш, спорт мусобақаларини ташкил қила олиш;

– жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ва жамоат бошқарув органлари ҳужжатларини амалий қўллаш олиш;

– қўйи таркибий бўлимларда тезкор иш режаларини тузиш ва уларнинг бажарилишини таъминлай олиш;

– билимлари ва маҳоратларидан сифатни таъминлаш ва бошқаришда фойдаланиш;

– иш сифати учун масъулиятни ҳис қилиш, ўз билимлари ва маҳоратидан сифатни бошқариш бўйича фойдалана олиш;

– инновацион ғоялардан фойдаланишга тайёр бўлиш;

– бошқарув қарорларини қабул қилиш;

– жисмоний тарбия ва спорт, спорт-соғломлаштириш муассасалари ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

**Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги педагогик фаолиятида:**

– умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*



## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7  
ОКС 01.040.01

Гуруҳ Т 55

---

**Таянч сўзлар:** касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги касбий билимлар, танланган спорт турининг тиббий-биологик ва психологик асослари, спорт машғулоти назарияси, санитария-гигиеник асослар, спорт тури билан шуғулланиш мотивацияси, индивиднинг антропометрик, жисмоний ва психологик хусусиятлари, оммавий разрядли спортчилар билан ишлаш, болалар ва ўсмирлар спорти, спорт ориентацияси ва саралаш тизими, педагогик назорат ва коррекция технологиялари, инсон жисмоний ҳолатини бошқариш, оммавий жисмоний тарбия тадбирлари, спорт мусобақалари, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ва жаоат бошқарув органлари, ҳавфсизлик техникаси, инновацион ғоялар, спортчи, жамоа, спорт клуби ёки ташкилотига психологик ёрдам, ёш тоифаси, ривожланиш босқичлари, спорт-соғломлаштириш тизими.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ўзбекистон Миллий университети  
ректори И.У.Маджидов  
\_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_\_ »  
М.Ў.



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор М. Эсонов  
\_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_\_ »  
М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси  
Туризм ва спорт вазири ўринбосари

А.Каримов  
\_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_\_ »  
М.Ў.



Жисмоний тарбия ва спорт бўйича  
мутахассисларни қайта  
тайёрлаш ва малакасини  
ошириш институти

Директори И.Турсуналиев  
\_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_\_ »  
М.Ў.

